Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 102 (5693).
4 МАЙ 1985 Й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҒАЛАБА БАЙРАМИГА— МЕҲНАТ БАЙРАМИ



Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик кун ҳамма қатори асбобсозлик заводи коллективи ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугун корхонанинг барча ишчилари ўз иш жойларида бўлишди. Ҳар бир кишч ўз смена нормасини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Коллектив ўз сўзининг устидан чиқди. Бугун корхонада ўн минг сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга завод коллективи корхона территориясини ободонлаштиришда ҳам актив иш олиб борди. Коммунистик шанбалик кунн ишлаб топилгвн маблағ—Буюк Ғалабага бағишланган ёдгорликлар ҳамда Улуғ Ватан урушн қатнашчиларн учун даволаш муассасаларн қурилишига сарфлаш учун ўтказилди.

СУРАТДА: завод коллективи коммунистик шанбаликда.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари бугун Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилган коммунистик шанбаликда

энг юксак кўрсаткичларга эришдилар

Бугун —Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни. Бутун мамлакат меҳнаткашлари кабн тошкентликлар ҳам зарбдор меҳнат вахтасида турнб фидокорона меҳнат қилишмоқда. Бугун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларн ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. Меҳнат коллективлари смена топшириқларнн ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилишяпти. Улар ўз аҳдларнни зарбдор меҳнат билан исботлашмоқда. Ўнлаб корхоналарнинг коллективлари иккинчи смена топшириқларини ҳам ортиғи билан бажариш учун кураш олиб боришаётир. Қилинган меҳнат Улуғ Ғалаба учун кураш олиб борганлар шарафига бағишланган умумхалқ жамғармасига қўшилган муносиб ҳисса бўлади. Биз Буюк Ғалаба учун кураш олиб борганларни доимо ёдда сақлаймиз.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда стахановчилар ҳаракатининг 50 йиллиги ҳамда КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Партиянинг навбатдаги съезди мамлакатимиз халқи тақдирида муҳим ўрин тутади. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидаги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида олға ҳаракатимизнинг аниқ йўналиши белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларига жавобан Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари жонажон Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун бутун куч ва маҳоратларини ишга соладилар.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида ва филиалларида қаҳрамон шаҳарлар Москва, Ленинград, Волгограддаги корхона ва ташкилотлар коллективларининг 4 майда Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш мақсадида коммунистик шанбалик ўтказишга бағишланган митинг ва йиғилишларида сўзга чиққан катта мастер Л. Дўстмуҳамедова, бирлашма урушветеранлари Совети раисининг ўринбосари В. Юревич, комсомол комитети секретарининг ўринбосари Р. Азимов ва бошқалар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида ва филиалларида қаҳрамон шаҳарлар Москва, Ленинград, Волгограддаги корхона ва ташкилотлар коллективларининг 4 майда Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш мақсадида коммунистик шанбалик ўтказишга бағишланган митинг ва йиғилишларида сўзга чиққан катта мастер Л. Дўстмуҳамедова, бирлашма урушветеранлари Совети раисининг ўринбосари В. Юревич, комсомол комитети секретарининг ўринбосари Р. Азимов ва бошқалар тикувчиларни майнинг биринчи шанбасида иш жойларида меҳнат қилишга, катта ғайрат ва шижоат кўрсатишга чақирган эдилар.

Тикувчилар 4 майни меҳнат байрами қилиб, бугун ўз иш жойларини эгаллашди. 400 ишчи нормасини 1,5 баравар ошириб бажаришга ваъда берган эди. Улар сўзларининг устидан чиқишди. Меҳнат илғорларидан Л. Халилова, Ф. Полтаева, Г. Закритная, В. Новосельцова ва бошқалар ишлаб чиқариш топшириғини икки баравар бажарди.

ВАЪДАСИГА ВАФОДОРЛАР

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси, шунингдек Қўйлиқ ва Красногорскдаги филиаллари коллективлари бугун 4 майда коммунистик шанбаликка чиқдилар.

Меҳнат илғорлари — тикувчи-мотористкалар Людмила Шарипова, Валентина Круглова, Фарида Дорожкина, бичувчи Садри Эннанов ва бошқалар май ойидаги дастлабки шанбада топшириқни камида бир ярим ҳисса ошириб бажариш мажбуриятини олган эдилар. Улар ваъдаларига вафо қилишди. Лидия Севальнева бошлиқ комсомол-ёшларнинг тикувчилик цехи 200 дан ортиқ буюмни тикиш, кунлик топшириқни 10 процент ортиғи билан бажаришга эришди.

Бугунги шанбаликда «Қизил тонг» бирлашмасида 1400 ишчи ўз иш жойларида меҳнат қилди. 300 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аёллар ва эркакларнинг 3 минг мавсумбоп ва қишки пальтолари тикилди. Ишлаб топилган барча пул (тўрт ярим минг сўм) Ватанимиз пойтахти Москвадаги совет халқининг 1941—45 йилларда Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси шарафига қуриладиган ёдгорлик обидасига сарф қилинади.

Бу шанбалик, — дейди тикувчилар, — ўзининг жўшқинлиги жиҳатидан «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!» шиори остида Улуғ Ватан уруши йилларида меҳнат вахтасида турган оталаримиз ва оналаримиз, катта акаларимиз ва опаларимизнинг жасорати даражасида бўлди.

ҒОЛИБ ЖАНГЧИЛАРГА ТАБРИКЛАР

Бундан 40 йил муқаддам гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозониб, социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолган, инсониятни фашизм қуллигидан халос этган совет кишиларининг жасорати мангудир. Ғалаба куни арафасида Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, собиқ жангчиларга чуқур ҳурмат-эҳтиром бажо келтирмоқдалар. Уларнинг жанг майдонларида кўрсатган мардлиги ва матонати янгиянги авлодлар учун совет ватанпарварлиги ва интернационализмнинг битмас-туганмас манбаи, севимли Ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Байрам арафаси кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари уруш инвалидлари ва ветеранлари уйларига бориб, уларни Биринчи Май ва яқинлашиб келаётган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги билан қизғин ва самимий табрикладилар, меҳнатда муваффақият, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тиладилар. Урушнинг актив иштирокчиларига I ва II даража Улуғ Ватан уруши ордени, шунингдек, «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медалини топширдилар.

Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ветеранларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик учун Коммунистик партияга чуқур миннатдорчилик билдирдилар, коммунизм қурилиши ишида, республика меҳнаткашларини, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда янада актив қатнашишга ваъда бердилар. (ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 1985 йил 4 майда дўстона визит билан Совет Иттифоқига келади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми боғ уйлари қурилиши, шунингдек, коллектив боғдорчиликни ташкил этиш ва юритиш қоидалари бузилишига қарши курашни кучайтириш мақсадида қарор қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий судининг бўлиб ўтган пленумида гражданлик ва жиноий ишлар бўйича суд коллегияларининг составн, пленум секретари ҳамда республика Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши тасдиқланди.

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ

БУГУН

ижодий союзларнинг қўшма пленуми бўлади. У «Улуғ Ватан урушида Тошкентда Ўзбекистон совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги тўғрисида»ги мавзуга бағишланган.

Пленум қатнашчилари — ижодий союзларнинг раҳбарлари, республикамиз маданиятининг етакчи усталари, таниқли ёзувчилар ва адабиётшунослар Улуғ Ватан урушидаги совет халқининг жасорати мавзуси Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати асарларида қандай акс этганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берадилар, ҳарбий-ватанпарвар л и к мавзуини янада ривожлантириш бўйича аниқ марраларни белгилайдилар.

ЭРТАГА— МАТБУОТ КУНИ

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ



В. И. Ленин «Правда» газетасини ўқимоқда.

Газета—коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, балки шунингдек коллектив ташкилотчи ҳамдир.

• Янгича анъаналар кенг қулоч ёймоқда

ТОШКЕНТ МАТБУОТ КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛМОҚДА

Бугун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Тошкент меҳнаткашлари, матбуот вакиллари анъанавий байрам— Матбуот кунинн кенг ва тантанали нишонламоқдалар. «Правда» газетасининг биринчи сони 1912 йил 5 майда 60 минг нусхада нашр этилган эди. Газетанинг туғилгани куни — 1922 йил 5 майдан буён мамлакатимизда матбуот кунн сифатида нишонлаб келинмоқда. «Правда» газетасининг тарихи унинг асосчиси В. И. Ленининг номи, КПСС қаҳрамонона тарихи, партия матбуотимизнинг шонли анъаналарн билан чамбарчас боғлангандир. Ленинча матбуотнинг анъаналаридан бири —унинг газетхонлар, кўп сонли авторлар активи билан алоқаси доимо кенгайиб бормоқда. Хатлар, мулоҳазалар, таклифлар ва энг яхшн истаклар — газета саҳифаларида босилаётган жуда кўп мақолаларнинг илҳом манбандир.

Журналистлар КПСС XXVI съезди, партиянинг кейинги Пленумлари қарорлари ҳаётга тадбиқ этилиши тўғрисида, КПССнинг XXVII съезди, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик, тинчлик ва бунёдкорлик йўли ҳақида кўплаб ҳаққоний мақолалар ёзишмоқда. Улар ўзларининг мақолаларида илғор коллективлар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, совет турмуш-тарзн, янгича урф-одатлар ва маросимларни ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида ёзмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида бундай деди:

«Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнатн, моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасинн сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда».

Бутун совет халқи Буюк Ғалаба байрамига бағишланган Меҳнат байрамини катта умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида ўн минглаб тошкентликлар сидқидилдан бегараз ишлаб бердилар. Бу жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар ва барҳаёт ветеранлар шарафига муносиб ёдгорликдир. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида энг яхши замонавий анъаналар улкан аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи, даврнинг ўзн кўрсатиб турибди. Бу анъаналар совет кишиларининг, муносиб авлодимиз — ёшларнинг турмушига мустаҳкам сингиб бормоқда. Республикамизда замонавий асосда меҳнат анъаналарн туғилмоқда. Бу анъаналарда жуда кўп янгиликларни, ибратли ишларни яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда уларнинг рўйхатига яна бир маросим дадил кириб борди. Бу — Матбуот кунидир. Барча касб байрамларини Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг энг яхши дам олиш зонасида ўтказишга қарор қилинди. Бу жуда ҳам рамзийдир. Чунки бу ерда республикамиз ютуқларининг кенг панорамаси, халқ хўжалигн ва маданият соҳаларида эришилаётган ютуқлар билан яққол таништш мумкин. Бундай байрамларнн ўн минглаб, юз минглаб нусхадаги газеталар, журналлар ва китобларнинг саҳифаларида совет турмуш тарзи тўғрисида ёзаётган журналистлар, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилар ҳамда нашриётчилар бошлаб бериша ётганлигн ғоятда тўла маъноли рамзийдир.

(Матбуот кунн ва унинг Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалигн Ютуқларн Виставкаси байрам қилинишн ҳақидаги материалларни газетанинг 2 ва 4-саҳифаларида ўқийсиз).



ҲАММА УЧУН БАЙРАМ

Бугун шаҳар жамоатчилиги республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот кунини нишонлайди. Республикамиз бош виставкаси чиройли, байрам либосида. Журналистлар, радио ва телевидение ходимлари, матбаачилар, кн. тоб ноширлари кўп минг кишилик армиясининг касб байрами тантанали ва одатдан ташқари чиройли бошланди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси меҳмонларни мана шундай, тантанали равишда кутиб олмоқда.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотоси.

Газетанинг шу сонига интервью

ХУШ КЕЛИБСИЗ



И. АЗИЗОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг директори.

— Виставкамизга кираверишдаги асосий пештоқ, республика Ҳурмат тахтаси, фонтанлар маржони, ям-яшил ўсимликлар, гуллар, республикамизнинг ютуқлари бош кўзгусини безаб турибди. Бу йилдан бошлаб бизнинг виставкамиз дам олиш зонасида мамлакатимиз меҳнаткашларининг барча касб байрамларини ўтказиб туришга аҳд қилинди.

Матбуот, радио ва телевидение ходимлари ўзларининг касб байрамини виставкамиз территориясида бошлаб беришлари қувонарлидир.

Бугун дам олиш зонасида Матбуот, матбаачилик, нашриётларнинг жуда кўп вакиллари келишган. Байрам расмий бўлмай, балки оммавий ўтказилмоқда. Улар бу ерда ҳамкасблари билан учрашиш учун онлалари билан келишган. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг мукаммал программасини амалга оширишда журналистларнинг ўзлари ибратли ташаббус кўрсатишди. Бу ерда зиёратчилар ва меҳмонлар матбуот ходимларининг катта отряди ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишишга муяссар бўлишмоқда.

Ҳар бир газета, ҳар бир журнал бу байрамга ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини киритишган. Ветеран журналистлар, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда, шахмат мусобақаси ташкил этилган.

Ютуқлар виставкасида Буюк Ғалабага атаб тайёрланган кўргазмада Ўзбекистонликларнинг Ғалабага қўшган ҳиссаси ва фронт орқасида олиб борган меҳнат жасорати ҳақида ҳикоя қилинади. Бу кўргазмани тайёрлашда Ўзбекистон телеграф агентлиги, республика Журналистлар союзи, республика архиви, уруш ветеранлари совет комитетининг Тошкент секцияси жуда кўп материаллар билан ёрдам беришди.

Республикамиз виставкасида Матбуот куни қизғин ўтмоқда. Бу сизнинг байрамингиз, барча тошкентликларнинг байрами. Хуш келибсиз, байрам эгалари!

ЭРТАГА — МАТБУОТ КУНИ

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ

Буюк доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг васиятларига ҳамиша содиқ бўлган ва фақат коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, балки коллектив ташкилотчи функциясини ҳам сидқидилдан бажариб келаётган совет матбуотининг жамиятимиз ҳаётидаги роли беқиёсдир. Бугунги кунда у Коммунистик қурилишнинг мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишда партиямизнинг энг кучли қуроли, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни партиямизнинг ленинча ички ҳамда ташқи сиёсатини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиш учун курашга сафарбар қилишнинг энг таъсирчан воситаси бўлиб қолди.

Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, эндиликда жамият ҳаётининг матбуот кириб бормаган, у аралашмаган бирон-бир соҳаси йўқ. У тобора кўпроқ нусхада тарқалмоқда— мамлакатимизда газета ёки журналга обуна бўлмаган бирон-бир хонадон топилмайди, китоб совет кишиларининг энг яқин дўстига айлангандир. Биргина мисол: дастлабки сони «Иштирокиюн» номи билан атиги 500 та нусхада босилиб чиққан бизнинг «Совет Ўзбекистони» газетамиз ҳозирги пайтда кунига 815 минг нусҳада тарқатилмоқда.

Бугун кўп сонли ўқувчилар олдида ҳисоб бераркамиз, газета саҳифаларн республикамизда коммунистик бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг чинакам ойнаси вазифасин ўтаётганлигини кодрларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари газетанинг чуқур таҳлилидир, унинг кўзгусидан ўтмоқда. Шу ўринда журналистларимиздан Рафиқ Турсунов, Номоз Саъдуллаев, Фозил Зоҳидов, Абдурауф Қоржов ва бошқаларнинг қаламига мансуб қатор мақолалар ва корреспонденцияларни тилга олиш мумкин.



Газетхон ўлка

Энг таъсирчан ва энг кучли

Болтабой ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» газетаси редактори ўринбосари.

мил ишонч билан таъкидлашимиз мумкин. Негаки, уларда узоқ бир қишлоқда мактаб ёки болалар боғчаси қуриб ишга туширилгани ҳақида кичиккина хабардан тортиб, то мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида катта аҳамиятга молик проблемалар тўғрисидаги мақолаларни ҳам ўқиш мумкин. Газетанинг мазмун ва мундарижаси, айниқса, кейинги пайтда янада бой ва ранг-баранг бўлиб қолди.

КПСС XXVI съезди талабларига биноан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида республикамизда вазиятни соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли рўй бераётган ижобий ўзгаришлар газетанинг асосий мазмунини, унинг ҳужжмкорлик руҳини кучайтириб юборди. Экономика ва маданий қурилишга раҳбарликни такомиллаштириш, халқ хўжалигининг шарофатидир. Шунинг учун ҳам биз партия ишига, халқ ишига доимо сидқидилдан хизмат қилаверамиз.

Бугун Совет матбуоти кунини нишонлар эканмиз, «Совет Ўзбекистони» журналистлари кекса авлодига мансуб кўпгина ҳамкасбларимизнинг Улуғ Ватан уруши жангоҳларида қаламни найзага алмаштириб, душманга қирон келтирганликларини ҳам эслаймиз, ёд этамиз. Улар душман билан олишувда қурбон бериб бўлса ҳам, ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшдилар. Бугун биз фашист газандалар билан олишувда ҳалок бўлган ҳамкасбларимиз Султон Жўра, Олим Шарофиддинов, Обид Абдураҳмонов, Абдуллаев, Зебо Шамсутдинова, Хатамов, Аъзамов, Узоқов ва бошқаларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва улар эрта-индин 40 йиллик юбилейи бутун дунё узра кенг нишонланаётган Буюк Ғалабамизнинг рўёб бўлиши учун жон фидо қилганликларин такрор ва такрор эслаймиз.

«Совет Ўзбекистони» журналистларянинг бугунги авлоди партия ва ҳукуматимизнинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажариш учун кураш муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, шу нарсани алоҳида таъкидлаш мумкинки, бизнинг бу борадаги ишларимиз муваффақиятли, фаолиятимизнинг серқирралиги ва жўшқинлиги Коммунистик партиянинг биз, журналистлар ҳақида қилаётган ҳамишалик ғамхўрлигининг шарофатидир. Шунинг учун ҳам биз партия ишига, халқ ишига доимо сидқидилдан хизмат қилаверамиз.

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

ЖУРНАЛИСТНИНГ ДИЛ СУҲБАТИ

Публицист-ёзувчиларнинг сўнгги авлоди ҳақида гап кетганда беихтиёр Муроджон Мансуровдан тортиб Шокирали Нуралиевгача бўлган ўнлаб ёшларнинг номлари тилга олиниши бежиз эмас. Улар публицистикамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўз мавзуси, услубларига эга бўлган ижодкорлардир.

Мен ана шу норасмий рўйхатга Анвар Жўрабоевнинг ҳам номини қўшишни истардим. Чунки Анвар жуда қисқа муддатда минглаб кишиларни ўзининг «дил суҳбати»га жалб этаолган, «Ўз сўзмоғи»га эга бўлган ижодкордир.

«Совет Ўзбекистони санъати» журналида унинг Михаил Шолохов; Муин Бсису, Георгий Марков, Сергей Михалков, Андрей Дементьев, Жанни Моранди, Аркадий Райкин, Сергей Образцов, Тамарахоним, Андрей Вознесенский, Людмила Зикина, Вячеслав Тихонов, Ҳалима Носирова, Зулфия, Шукур Бурҳонов, Чингиз Ахмаров, Шуҳрат Аббосов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар билан бўлган мароқли суҳбатлари эълон қилинди, ва ҳар галги суҳбат жараёнида ёш публицист ана шу буюк сиймоларнинг янги қирраларини кашф этиш билан бирга ўзининг журналистик истеъдодини ҳам кўрсата олди. Бу диалоглар шунчаки репортер интервьюси бўлмай, ёш публицистнинг сермулоҳаза суҳбатидир. Вақти ниҳоятда тиғиз бўлган бундай сиймолар билан учрашиб, суҳбатлашишнинг ўзи осон эмас. Анвар Жўрабоев фақат савол бериб, жавоб олиш билан чегараланмайди, у суҳбатдошининг қалбига йўл топа олади. Бунинг учун эса ниҳоятда хушмуомала, ўткир зеҳнли, ҳушёр ва энг муҳими, кенг мушоҳадали бўлиш керак.

— Вешенская станицасига «Тошкент оқшоми» йўлланмаси билан бориб, анча қийинчиликлар билан Михаил Шолохов ҳузурига кирдим, — дейди Анвар. — Биз алламаҳалгача суҳбатлашиб қолдик. Бугун адиб эртаси тағин келишимни сўради. Мен айтилган вақтда етиб келдим.

Михаил Шолохов билан бўлган суҳбат бир қатор газета ва журналларда босилди. Ўз дастхатида Анварни «Жасур журналист» деб атагани ҳам ҳамкасб дўстимизга берилган муносиб баҳодир.

Георгий Марков билан бўлган суҳбатнинг «Дадиллик ва яна дадиллик», деб аталиши бежиз эмас. Чунки берилган саволлар ҳам, берилган жавоблар ҳам дадил:

— Баъзи асарларда эса қаҳрамон қийинчиликларни жуда жўн ҳал этади.

— «Бунда одатда «худди китоблардагидай» дейишади. Ҳа, ҳали бизда примитивизм бор. Нимага боғлиқ бу? Йўқ, гап фақат ёзувчининг маҳоратида эмас, гап унинг шахсиятида: ижодкорнинг ўзи давр фарзандими, йўқми...»

Тамарахоним билан бўлган суҳбатда эса шундай диалог бор:

«—Сиз Сталин билан илгари ҳам учрашганмидингиз?

—Мен у кишини илк маротаба Москвада 1937 йилда бўлиб ўтган биринчи ўзбек декадасида кўргандим».

Аркадий Райкин билан бўлган суҳбат эса юморга мойил:

«— Мавзуларни қаердан оласиз?

— «Ҳаётдан. Ахир мен кар ҳам, кўр ҳам эмасман. Кунига кўз ўнгимда ўнлаб миниатюралар содир бўлади».

Анвар Жўрабоевнинг орзулари катта. У яқин келажакда Чингиз Айтматов, Расул Гамзатов ва бошқа кўплаб атоқли кишилар билан дил суҳбати қуриш ниятидадир.

Н. РАҲМАТОВ.

БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН



● М. А. Шолохов хонадонида: унутилмас дақиқалар... 14. IX. 1982 йил. Вешенская станицаси. «Тошкент оқшоми» йўлланмаси билан улуғ ёзувчи ҳузурига борган журналист Анвар Жўрабоевнинг Михаил Шолохов билан интервьюси ва сурат газетамизнинг 1982 йил 28 сентябрь сонида босилиб чиққан эди.



БИЗНИНГ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

Саксон ёшли мухбиримиз

Ҳар йили Матбуот куни арафасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига унинг ишчи мухбирларини лутфан таклиф этишдек хайрли анъана бор. Бу гал ҳам ана шу яхши анъанага кўра кўпгина жамоатчи мухбирларимизни редакцияга таклиф этган эдик. Улар орасида ишчилар, олимлар, хизматчилар, студентлар, ҳуллас турли касбдаги ва ёшдаги кишилар бор эди. Улар орасидаги ёши энг улуғ мухбирларимиздан бири— кекса журналист Темур Нажмийдир. Ҳа, 80 йилдирки у қалам тебратади. Куни кеча 80 ёшга тўлди.

Бу отахон журналист билан бўлган редакция-миздаги бир ҳаяжонли воқеани оқшомхонларга ҳикоя қилиб бермоқчимиз. Редакциянинг навбатдаги топшириғини олган Темур Нажмий энди бўлимдан чиқиб кетаётган эди, хонага партия ва меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, кўп йиллар мобайнида Самарқанд, Хоразм ва Наманган область газеталарига редакторлик қилган Лутфулла Ҳамроев кириб келди. Икки отахон, икки жамоатчи мухбиримиз бирбирлари билан қучоқ очиб кўришишди. Лутфулла ака ўзига хос лутф ва эҳтиром билан Темур акага ўтиришга жой кўрсатар экан, бизга юзланиб шундай деди:

— Темур ака менинг биринчи устозим бўлади. Бу одам газетага редакторлик қилган пайтда мен унинг бевосита раҳбарлигн остида редакциянинг секретариатида ишлар эдим. Мана шунга 50 йил бўлибди... Эсимда, Темур аканинг ёзган мақолаларини кишилар жуда ҳам зўр қизиқиш билан ўқир эдилар...

Ҳа, чиндан ҳам Темур Нажмийнинг мақолаларини ҳозир ҳам газетхонлар мароқ билан ўқишади. «Тошкент оқшоми» газетаси чиқа бошлаган дастлабки кундан бери то ҳозирга қадар бу жамоатчи мухбир тинмай-тинчиш ҳималигини билмайди. Редакциянинг топшириқларини ўз вақтида адо этади. У ёзган корреспонденциялар, хабарлар, танқидий мақолалар шаҳримиз ҳаётидаги воқеаларни кенг-роқ ва тўлароқ қамраб олган бўлади.

Яқинда қурилиш бригадаларидан бирида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, қурилиш сифатини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида тезлик билан мақола ёзиш зарурати туғилиб қолди. Шу онда келиб қолган Темур Нажмийга ана шу масъулиятли топшириқ берилди. Редакциянинг бу галги топшириғини ҳам отахон, ветеран журналист кўнгилдагидек қилиб бажарди.

Кекса журналист, кўп йиллар район газеталарининг редактори бўлиб ишлаган, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Темур Нажмийнинг хизматлари муносиб тақдирланган. Шаҳар матбуотида актив иштирок этганлиги учун у Тошкент шаҳар партия комитетни ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан ҳам тақдирланган. Отахон журналистни биз бугунги шодиёна байрам —Матбуот куни билан чин қалбдан муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаймиз.

С. ЕДГОРОВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ЖАСОРАТ МАДҲИ

Яхши анъаналаримиз кўпайиб, такомиллашиб бормоқда. Шулардан бири уруш йилларида мислсиз жасорат кўрсатган довюрак қаҳрамонларнинг хотирасини бажо келтиришдир. Шаҳримиздаги жуда кўп корхоналарда жангларда мардларча ҳалок бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари хотирасига бағишлаб ўтказилган меҳнат вахтаси бунга яхши намуна бўла олади. Виктор Малясов хотираси учун меҳнат вахтасида ишлаб топилган бир минг сўмдан ортиқ пул тинчлик фондига ўтказилди.

Киров районидан Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қодирий номли маданият уйлари ходимлари ҳамкорликда ана шу жасоратни улуғлаш мақсадида «Халқимиз хотирасида абадий яшайди» кечасини ўтказишди. Маросимга келганлар орасида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари —Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ўқитувчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. Юдин, профессор А. Г. Астанков, доцентлар Г. А. Сафаргариев, А. И. Назиров, М. Гулин ва бошқалар бор эди. Улар совет халқларининг уруш йилларидаги жасорати ва қуролдош дўстларининг матонати ҳақида ҳаяжон билан гапириб бердилар. Маросимда райондаги 43-мактабнинг Виктор Малясов номли пионерлар дружинаси тантанали линейкага саф тортиб она-Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлишга қасамёд қилдилар.

Р. БЕРДИҚУЛОВА.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

Сўз—жангчи адибларга

Наби ЮСУФИЙ

МАКТУБДАГИ ДОҒ

Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлган мард жангчиларимиз орасида марксизм-ленинизм классикларн асарларининг дастлабки таржимонларидан бири Саидғани Валиев ҳам бор эди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Саидғани Валиев «Ёш юзи» журналининг масъул секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қузуридаги Партия тарихи институтининг сектор мудири бўлиб ишлаган йилларда марксизм-ленинизм классикларининг асарларини таржима қилиш билан бирга, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг ижоди ҳақида қатор адабий-танқидий мақолалар ёзган, рус ва жаҳон адабиёти классикларининг асарларини оммалаштиришга катта ҳисса қўшган эди. Унинг адабиётшунос, журналист, танқидчи ва ношир сифатидаги фаолияти ҳам ўз даврининг адабий жамоатчилиги томонидан муносиб баҳога сазовор бўлган эди.

«Ўзбекистон» нашриётида 1965 йили чоп этилган «Қалам ва қурол билан» китобида немис-фашист босқинчилари билан бўлган аёвсиз жанглар да иштирок этган жангчи-ёзувчиларимиз ҳақида ҳикоя қилинади. Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, ёзувчи ва драматург Наби Юсуфийнинг Саидғани Валиев ҳақидаги очерки ҳам шу китобдан ўрин олган. Қуйида эътиборингизга Н. Юсуфийнинг «Мактубдаги доғ» очеркидан парча ҳавола қилмоқдамиз.

«Қўшинларимиз Сталинграднинг шимоли-ғарбида немис-фашист босқинчилари билан шиддатли жанг қилдилар. Немислар танклар ҳужуми билан ҳимояланиб...» Совинформбюронинг зрталабки хабари шундай бошланган эди.

Уша кунларда қўшинларимиз қадимий рус шаҳри Воронежни вақтинча ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Аҳвол жуда оғир эди. Фашистлар қандай қилиб бўлса ҳам Волгага ёриб чиқишга ҳаракат қиларди. Самолётлар, танклар овози тунукун тинмайди. Ҳар икки томон катта талафот кўрмоқда. Немислар жангга тўхтовсиз ўзларининг янги-янги кучларини ташларди. Ҳатто кичик аҳоли пунктлари ҳам бир неча бор қўлдан-қўлга ўтарди.

Қўшинларимиз Донниng сувсиз жазирама чўлларида оғир мудофаа жанглари олиб борарди. Бундай шароитда ғалаба қозониш учун темир ирода ва ўз Ватанига чексиз муҳаббат зарур эди.

...Саидғани Валиев совуқ чойда юз-қўлини чайиб, окопга ҳатлади ва ҳозиргина олиб келинган кашани шошилиб ея бошлади. Иссиқ таом уни лоҳас қилди. Танасида мудроқ сезди. Бошига сумкасини қўйиб ерга чўзилди ва шундагина ўта ҳорғинлик ва қаттиқ бош оғриғини ҳис қилди. Сумкасидан порошок олиб, флягадаги сув билан ичиб юборди. Кўнгли айнигандек бўлди.

Саидғани ухлай олмади. Йигирма кечаю-кундуздан ортиқ давом этган жанглар, автомат ва пулеметларнинг тинимсиз пат-патлари унинг асабларини ҳаддан ортиқ чарчатганди. У окоп деворига суяниб ўтириб, ёза бошлади. Хаёли узоқ-узоқларга олиб учди: Кўз олдида қадрдон уйи, жонажон шаҳри жонланди.

Тошкент, Узумзор маҳалласи, гулларга тўлган ҳовли. Саидғани диванда ёнбошлаб радио тинглаяпти. Ҳазин, юракни эзадиган куй таралмоқда.

— Боришингиз жуда шартми? Ахир сиз фронтдагидан кўра бу ерда жуда зурурсиз-ку... Бу сўзлар гўё музика орасидан эшитилаётгандай туюлди. Саидғани хотинига қаради.

У хона ўртасида боласини аллаларди.

— Нима дединг?

— Боришингиз шартми, деяпман.

Саидғани ҳеч нарса деб жавоб бермади ва диванга туриб ўтирди.

— Беш болани қандай боқаман, буни ўйлаб кўрдингизми?

Саидғани приёмникни ўчириб яна диванга ёнбошлади. Ҳа, болалари ҳали жуда ёш, Онахон улар билан қийналиб қолмасмикан?

Катта ўғли Туйғун тўртинчи синфга ўтди, ўн иккн ёшда. Дилбар 7, Жонон 5 ёшда, Ҳасан ва Зуҳралар эса бир ёшга ҳам тўлишмаган. Бунинг устига Барно (Саидғани Зуҳрани шундай деб атарди) жуда ҳам озғин, касалманд.

Жавобни кутиб ўтирмай Онахон яна деди:

— Қанча уйланмаган, бола-чақаси йўқ йигитлар юришибди-ку... Наҳотки, менга раҳмингиз келмаса?

— Онахон, етар. Мени хафа қилма. Ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Тушунсангчи, мен бу ерда қололмайман.

Онахоннинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди. У шошилиб Пўлатнинг (отаси Ҳасанни шундай деб атарди) юзини сал очди. Кичкинтой уйқусида кулиб қўйди. Сўнг Онахон Барнонинг ёнига келди. Унинг ҳаммаёғи жиққа ҳўл, оғир-оғир нафас оларди.

— Ҳеч бўлмаса область ҳарбий комиссариатидан қизимиз тузалгунча тўхтаб туришни илтимос қилинг.

— Онахон, азизим, нега мени бунча қийнайсан? Хотини хўнграб, хонадан чиқиб кетди.

Саидғани китоб жавонидан Ленининг «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» китобини олиб, уни варақлай бошлади. Бу китобни унинг ўзи таржима қилган, шунинг учун ҳам зарур жойини тез топиб олди. У айвонга чиқиб, хотини ёнига келди ва унинг елкасидан эҳтиётлик билан қучиб, Владимир Ильич сўзларини кўрсатди...

Онахон кўз ёшлари билан жилмайди ва эрига меҳрибонлик билан боқди. Унинг нима демоқчи эканлигини тушунди. Бир неча кундан кейин Саидғани фронтга йўл олди...

* * *

Саидғани Узоқ Шарқда. У ҳарбий-сиёсий мактаб курсанти. Совет Армияси сафларида Ўрта Осиё республикаларидан келган кўплаб йигитлар ҳам хизмат қилишяпти. Саидғани бу мактабни битиргач, бошқа собиқ ўқитувчилар, совет ва партия ходимлари билан бирга армиямиз қисмларида сиёсий иш олиб боради. Бу мактабга Тошкентдан 160 киши ўқишга келганди.

Кунларнинг бирида қисмга қўмондон Апанасенко келди. У истеъдодли саркарда ва ажойиб инсон эди. Бир пайтлар Тошкентда ҳам хизмат қилган. У Саидғанини ўз ҳузурига чақириб шундай деди:

— Ўртоқ Валиев, мен сизнинг беш фарзандингиз борлигини эшитдим. Сизни Тошкентга чақиришяпти! Бормайсизми?

— Ўртоқ қўмондон, мен Тошкентга Ғалабадан кейингина қайтаман. Агар мумкин бўлса, ҳаракатдаги армияга жўнатишингизни сўрайман.

— Шундай денг, фронтга боришни истайсизми? Нима ҳам деймиз, жудаям яхши. Яқинда жўнаймиз....

1942 йилнинг 21 июлида Саидғани Новосибирскдан шундай ёзади:

«Биз Ғарбга томоң кетяпмиз. Сизлардан посилка олдим. Катта раҳмат, Онахон. Бўғирсоқ ва ёнғоқлар йўлда жуда асқотди. Мабодо, Тошкент орқали ўтсак, албатта кўришамиз. Мендан хавотир олма...»

Мана Челябинскдан юборилган яна бир хат:

...Мен ҳозир миномётчилар ротасидаман. Асскарларимиз орасида ўзбеклар, қозоқлар ҳам бор. Менинг ротамда тошкентлик йигит Араб Собитов ҳам хизмат қиляпти. Сиҳат-саломатлигим яхши. Онахон, мендан хавотир олма. Агар Ватан учун жоним керак бўлса ҳам.. аямайман. Менинг учун болаларни ўпиб қўй. Ҳаммага салом айтинглар. Яқинда яна хат ёзаман... Азиз ҳақида нима гап бор...»

Мана, 15 августда юборилган хатдан парча:

«Сиҳат-саломатман, икки ҳафта олдин жанг бўлаётган жойда бўлдик. Шиддатли жанг боряпти. Ҳамма нарса учун немислардан қасос оляпмиз. Мен бу ерда кўрганларимнинг ҳаммасини баён этиш қийин. Кеча бомбардимон пайтида ҳаётим жуда хавф остида қолди: йўлдошев оғир яралади (кичик политрук). У ҳам Тошкентдан экан. Ватан учун ҳаётини бериш — бу катта бахт. Ҳаммага салом...»

... Саидғани кўзини очиб, окопда эканлигини сезди-да кулиб қўйди.

— Ўртоқ старший политрук, нима укун куляпсиз? — ҳайратланиб сўради ординарец Араб Собитов.

У Тошкент политехника институтини битирган. Урушга қадар мактабда ўқитувчилик қилган. Студентлик йилларидаёқ у Валиевнинг Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақидаги мақолаларини қизиқиш билан ўқиган, унинг қаламига мансуб таржималарни ҳам яхши биларди...

— Хаёл суриб, Тошкентга бориб қолибман, — кулиб жавоб берди Валиев.

— Нима, туш кўрдингизми?

— Нима деб тушунтирсам экан, ҳам десам ҳам, йўқ десам бўлади.

— Яхши хабар бор,— деди Араб Собитов, — мана кўринг, — у газета узатди.

Саидғанининг газета саҳифасининг биринчи бетида «Сўнгги почтадан» деб ёзилган катта сарлавҳага кўзи тушди. Совинформбюро қўшинларимиз Калинин ва Ғарбий фронтларда ҳужумга ўтиб, душманни 40—50 километрга улоқтириб ташлагани, 650 аҳоли пункти, шу жумладан Зубцова, Карманов, Прогорелое Городишелар озод этилганлигини хабар қилганди.

— Демак, газандаларнинг адабини беribмизда,— деди Саидғани Арабга ва бошлаб қўйган хатига кўз тиқди. У «Салом Онахон» деган сўзлар билан тўхтаб қолган эди. Саидғани яна хат ёзишга тутинди.

«...Москва вақти билан ҳозир соат кундуз уч ярим, Тошкентда эса олти ярим бўлди. Эҳтимол, Дилбар ва Жонон кўчада ўйнаб юришгандир. Туйғун велосипедда сайр этаётган, Пўлат ва Барно ҳовлида шўхлик қилишаётган, сен эса кечки овқатга уннаётгандирсан. Мен уйимизни, сенн, болаларни тез-тез эсга оламан. Ишончим комил-ки, яна ўша осуда дамларимиз қайтиб келади, шундай бўлиши керак. Биз албатта Гитлер ва унинг ҳаромилари адабини берамиз.

Қадрли Онахон! Сизларни жуда соғиндим. Мен соғ-саломатман. Яқинда фронтга келганимга бир ой тўлади. Бомбардимонда, артиллерия отишмаларида бир неча бор қолиб кетдим. Лекин ҳеч жойимизга шикаст етгани йўқ. Бу бизнинг умумий бахтимиз.

Немислар бизнинг йирик шаҳарларимизни эгаллашга интиляпти. Биз уларнинг йўлини тўсамиз. Оғир, даҳшатли жанглар бўлди. Биз душманнинг кучли ҳамласини тўхтатиб қола олдик. Бу жангларда дивизиямиз алоҳида намуна кўрсатди... Бизнинг ротамиз ҳам душманга катта талофат етказди...

Саидғани»
1942 йил 5 август.

1942 йилнинг 25 августида Онахон турмуш ўртоғига хат ёзиб, унга бутун оила тушган фотосуратни ҳам қўшиб жўнатди. У ўз хатида қишлоққа кўчиб ўтишгани, Дилбар ва Жонон мактабга қатнаётганлигини ёзганди.

Саидғани ҳар бир хатида оға-инилари Азиз ва Воҳид ҳақида сўради. Онахон бу саволларга «Воҳидга биз тез-тез хат ёзиб турибмиз, Азиздан эса яқинда хат олдик. У ҳозир Кавказ фронтида хизмат қилаётган экан. Мен унга янги адресимизни ёзиб юбордим» деб жавоб қилганди.

... Саидғани бу хатни ололмади. Сурати ҳам бўлган бу хат унинг ёрдамчиси Араб Собитовнинг қўлига тушди. У Саидғани Валиевнинг ҳали тупроғи қуримаган қабри устида шунда деди:

— Ўртоқ старший политрук, мана сизнинг турмуш ўртоғингиздан келган хат. Рухсат этинг, мен хатни очиб сизнинг содиқ турмуш ўртоғингиз, болаларингиз қиёфасига назар солай...

* * *

Шундан буён кўп йиллар ўтди. Партия ва ҳукуматимиз Саидғани Валиев оиласига катта ғамхўрлик кўрсатди.

Биз Онахон опа истиқомат қилаётган ҳовлига кириб борганимизда у неварасини боғчага олиб чиқаётган экан. Келини ишга кетган. Жонон ҳам Ленинободдан ўз болалари билан келибди.

Бизни уйга таклиф этишди. Айвон, китоб жавони ҳаммаси Саидғани ака урушга кетганда қандай бўлса, худди ўшандай турибди. Гўё у ҳозиргина бу ердан чиқиб кетгандек...

Мен Валиевни анчадан буён, у «Ер юзи» журналида ишлаганидан буён биламан. У менинг «Йўқолган куёв» ҳикоямни ўқиб, ўзида олиб қолганди. Кўп ўтмай ҳикоя журналда эълон қилинди. Мен ҳамиша Саидғани Валиевни катта миннатдорчилик билан эслайман. Саидғани ака сезгир, меҳрибон инсон, талабчан журналист, адабиётчи ва таржимон эди. Унинг ўртоқлари ўртасида обрў-эътибори баланд эди. Ўртоқлари Рустам Абдураҳмонов, Ҳомил Ёқубов, Ҳамид Сулаймонов, Аъзам Аюпов, Аҳмаджон Хошимовлар Саидғани акани ҳурмат қилишар, камтарлиги ва самимийлиги учун севишарди.

Жавон китобларга тўла, Туйғун отаси таржима қилган китобларни эҳтиёт қилиб сақламоқда. Мен китоб муқовасидаги қуйидаги ёзувларни ўқийман: «Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши ҳақида. Таржимоҳ С. Валиев». Саидғани ака ҳаёт бўлганида одамлар учун яна кўп ишлар қилган бўлур эди, деб ўйлайман. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асарини таржима қилиш унинг эзгу мақсади эди.


— Саидғани акам сўнгги хатини 1942 йилнинг 5 августида ёзган эдилар. Кейин хат келмай қолди. Мен яна ёздим, аммо у қайтиб келди, — деди Онахон опа ғам-алам билан.

Онахоннинг хатини Саидғани аканинг ёрдамчиси —ҳарбий хизматчи Араб Собитов Тошкентга қайта жўнатиб, севимли аскар, қўрқмас командир Саидғани Валиев Волга бўйидаги қирғин жанглар пайтида ҳалок бўлганлигини маълум қилганди. Онахон олган бу хатдаги бир неча қатор ёзув бўялиб кетган эди. Эҳтимол у шу хатни ёзишга мажбур бўлган Араб Собитовнинг кўзи ёшлари изидир? Ким билади...

1965 йил.

• Карл Маркс туғилган куннинг 167 йиллигига

КАРЛ МАРКС ВА РОССИЯ



Ҳар йили 5 Май куни бутун прогрессив инсоният ишчилар синфининг буюк доҳийси, гениал олим, илмий коммунизм назариясининг яратувчиси, ажойиб ва самимий инсон Карл Маркс туғилган кунини кенг нишонлайди.

Маркс билан Энгельс жамиятни социалистик асосда тубдан ўзгартиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келган эдилар. Тараққиёт ҳақидаги таълимот Маркс билан Энгельсга инсоният тарихини илмий асосда тушунишни ишлаб чиқиш имконини бердики, бунинг аҳамияти беқиёсдир. Ягона коммунистик формациянинг икки фазаси ҳақидаги таълимотининг асосини ҳам айнан тараққиёт қонуни ташкил этади.

Ривожланган социализм ҳақидаги марксча-ленинча концепция ҳозирги шароитда КПСС стратегияси ва тактикасининг асосини ташкил этади.

Карл Маркс Россияга — Европа революциясига туртки бериш керак бўлган мамлакатга ҳамиша умид билан боқарди. Революция бу гал Шарқда, ҳозиргача контрреволюциянинг даҳлсиз қалъаси ва резерв армияси бўлиб келаётган мамлакатда бошланади, деб башорат қилган эди, у Маркснинг доҳиёна ақл-заковатини қарангки, саноат капитализми йўлида илк қадамларни эндигина қўйиб келаётган бу қолоқ мамлакатда ҳали юзага чиқмаган жуда зўр революцион куч борлигини, келажакда жаҳон тарихига қудратли таъсир кўрсатиши керак бўлган куч борлигини пайқаган эди.

Ҳа, Маркс рус тилига меҳр қўйиб, уни ўрганаётган чоғларидаёқ Россия билан, унинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги билан қизиқар эди.

Марксннинг шахсий кутубхонасида 115 номдаги 150 та русча адабиётлар нашри бор эди. Уларнинг барчасида Россия тарихи, ишчилар аҳволи, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва бошқалар баён этилган эди. Албатта, унинг шахсий кутубхонасидаги ҳамма русча китоблар бундан зиёдроқ эди.

Фикр доираси ниҳоятда кенг бўлган Марксни Россиянинг жуда кўп томонлари қизиқтирар эди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ ундаги аграр муносабатлар, крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан кейин Россияда юз берган жараёнлар унинг диққатини ўзига жалб қилгани аён.

Маркс Россиядаги аграр муносабатларни ҳамда деҳқонларнинг ҳозирги ва ўтмишдаги аҳволини ўрганди. Бунда революцион демократларнинг асарлари, бадиий адабиёт, монографиялар, китоб ва материаллар унга Россия тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берганини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Доҳий 1881 —1882 йилларда тўпланган кўпгина материалларни тартибга солишга ва уни «1861 йилги реформа тўғрисида ва Россиянинг реформадан кейинги ривожланиши тўғрисида мулоҳазалар» деган қўлёзмада умумлаштиришга киришган эди.

Унинг энг яқин дўсти ва сафдоши Фридрих Энгельс Россияни ўрганиш борасида Карл Маркс олиб борган чуқур тадқиқот ишларини таъкидлаб, Россияни, унинг ички ва ташқи аҳволини Маркс каби яхши билган ҳеч кимни билмайман, деб ёзган эди.

Реформадан кейин Россиянинг қандай йўлдан бориши ҳақидаги Маркс фикри рус революционерларини жуда қизиқтирар эди. Шунинг учун ҳам улар бу масала юзасидан «Капитал»га мурожаат қилар эдилар. Бошқа бирон мамлакатда «Капитал»га Россиядаги каби беҳад қизиқиб қарамаган эдилар. «Капитал» революцион интеллигенция ўртасидагина эмас, балки рус олимлари ўртасида ҳам кенг ёйилди. Маркс рус халқининг машаққатли назарий изланишларида унга ёрдам беришни ва шу билан унинг озод бўлишини тезлаштириш ва енгиллаштиришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билган эди. Шунинг учун ҳам Маркс рус кишилари билан йилдан-йилга кўпроқ ёзишиб турди, шунинг учун ҳам рус революционерлари унинг уйида хурсандчилик билан қабул қилиндилар, ундан маслаҳат ва ёрдам олиб турдилар.

К. Маркс умрининг сўнгги йилларида ёзган хатларида унинг келажакдаги рус революциясини интизорлик билан кутганлиги сезилиб турарди. Бу революция бутун жаҳон тарихида бурилиш нуқтаси бўлиши, меҳнатни ялпи қилиш йўлида олға қараб ташланган улкан қадам бўлиши кераклигини башорат қилган эди.

Унинг орзулари ушалди. Энгельс буюк устоз ва дўсти ҳақида айтганидек, Карл Марксининг номи ҳам, иши ҳам абадий яшайди!

Ҳ. ИКРОМОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

◆ Атеизмга фармойиш билан эмас, балки одамларни маърифатли қилиш йўли билан эришилади.

М. И. Калинин.

◆ Бизнинг атеистик давримиз таврот афсоналари устидан куларкан, худони инсон калтабинлигининг тахаллусидир, дея ҳисоблайди.

М. Горький.

◆ Одам фақат билмаган нарсасидан қўрқади, билим билан эса ҳар қандай қўрқувни енгади.

В. Г. Белинский.

◆ Биз табиатнинг ўзгармас қонунларини қанчалик яхши билганимиз сари мўъжизалар бизга шунчалик оддий кўриниверади.

Ч. Дарвин.

◆ Ҳамма даврларда ва ҳамма жойда калтабинлик, кўрқув ва иродасизлик ҳар хил мутаҳассисликлар туфайли кун кўриб келган.


П. Бауст.

◆ Ҳақиқат йўлидан одға юришни истаган одам бутун кучини ишга солиб, табиат билан бирга одимлашга интилиши керак.

Ж. Ламетри.

◆ Фақат олижаноб кишигина атеист бўлишга ҳақли.

С. Марешал.



● КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

САРИҚ МАРВАРИД

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Мен уч ҳарфдан ташкил топганимни яхши биласиз. Кулчага ўхшаган. «О» ҳарфимни ўртага қўйиб, икки томонимга биттадан «Н» ҳарфини қўйсангиз вассалом. Хоҳланг у томондан, хоҳланг бу томондан ўқинг, барибир нон бўламан.

Дастурхон атрофида сизлар билан бир кунда неча бор учрашиб туришимни ўзингиз бир ҳисоблаб кўринг-а. Камтарлик бўлмасада айтаман, ер юзида менсиз эркин ҳаёт бўлиши мумкин эмас!

Болалар, сизлар мен ҳақимда боболарингиз, бувиларингиздан бир сўраб кўринг-а, ана ўшанда менинг кимлигимни билиб оласиз. Биламан, орангизда шундай болалар ҳам борки, баъзан мени қўлларига олиб, бир-икки жойидан чўқилаб, қолган бўлагимни дуч келган жойларга ташлаб кетишади. Ўшандай пайтларда хўрлигим келиб, ҳеч ким йўғида йиғлаб, қовурилиб кетаман. Мен одамлар меҳнати билан сариқ марваридек бугдой доналаридан, машаққатлар, қисоф пешана терлардан пайдо бўлганимни унутманг, азиз болалар!

Саидмурод САИДУЛЛАЕВ

● Медицина янгиликлари

КЎЗ ЖАРОҲАТИГА МАЛҲАМ

Украина Фанлар академияси микробиология ва вирусология институтида кўзнинг кимёвий ва термик куйишини даволаш учун янги препарат—аренарин мази яратилди. Унинг актив таркибий қисми —аренарин қумлик ўсимлиги бўзноч гулидан олинган бўлиб, микробга қарши, шунингдек актив биологик моддаларга эга.

Аренарин фақатгина антибактериаль таъсир этибгина қолмай, шамоллашга қарши таъсир кучи бор, тўқималар тикланишини тезлаштиради. Янги дори бу йилдан бошлаб ишлаб чиқарилади.

ШИФОБАХШ КОНСЕРВАЛАР

Одесса ва Тарту консерва заводларида буйраги касалланган болалар учун шифобахш консервалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу консерва Одесса медицина институти педиатрия кафедраси мутахассисларининг «Консервпромкомплекс» бирлашмаси билан ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасидир. Улар буйраги касалланган болалар учун ўн олти хил таом рецептини ишлаб чиқдилар. Брусника япроқлари, қизилпойча, наъматак, қора арча, қайин пўстлоғи сингари зираворлар бақлажон, сабзи, қовоқлардан тайёрланган таомларга ёқимли таъм киритади. Клиник текшириш мазкур пархез таом болаларга жуда ёқимли эканлигини кўрсатди. Бир йил давомида шифобахш консерва истеъмол қилган болаларда пиелонефрит қайтуви бир неча бор қисқарди.

МИКРОБГА ҚАЛҚОН БИНТ

Белоруссиялик олимлар юксак даражадаги «бинтлар» яратдилар. Бу синтетик плёнка сув, қоришма, ҳавони ўтказади, бактериялар учун эса ўтиб бўлмайдиган тўсиқ бўла олади. Янги «бинт»лар стерилланган бўлибгина қолмай, майин ва етарли даражада пишиқликка эга.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

Бахтиёр болалик.

Ҳ. Шоднев фотоси.



Леонид ЖУХОВИЦКИЙ

НИКОҲ УЗУГИ ҲАҚИДА ЭРТАК

Бу эртакни мен бирор жойдан ўқиганим йўқ — студентлик йилларимда аллакимдан эшитганман. Тахминан шундай айтиларди:

Бир саройдаги уйда пардоз қутичаси турар, унинг ичида эса кўрнишидан оддий хамиртурушга ўхшаш тош ётарди. Аммо бу тош сеҳрли эди. Худди шу тош саройдалиги сабаблн қироллик авлодига мансуб қизлар фақат гўзал бўлиб дунёга келар эди. Бироқ бу тош ўз бағрида катта хавфни ҳам яширган эди — агарда у саройдан бирданига йўқолиб қолса, қирол авлодига мансуб ҳар бир киши илк никоҳ кунида ўлиши мумкин эди. У яна темирни олтинга айлантира олиш қудратига ҳам эга эди. Қиролнинг бир қизи — малика ҳайратланарли даражада гўзал эди. Уни қўшни мамлакатнинг шаҳзодаси севар, малика ҳам бу севгига севинч билан розилик берган, ҳатто тўй куни ҳам тайинланганди. Аммо шунда катта фалокат рўй берибди. Кўнгилчан малика сеҳрли тош сирини дугонасига ошкор қилиб қўйибди. У эса тубан ҳасаддан тошни ўғирлаб кетибди. Бироқ у тошнинг темирни олтинга айлантира олишидан бехабар, уни авайламабдн.

Саройда даҳшатли тўполон кўтарилибди. Бора-бора ҳақиқатни аниқлабдилар. Саройдагилар нишончини оёқ остн қилган дугона барча қилмишларига икрор бўлиб, кўз ёшлар тўкиб, никоҳсиз бунақа иш қилмасликка қасам ичибди. Аммо бу кўз ёшлардан нима фойда! Ажойиб тошни ортган арава алақачонлар жўнаб кетган, унинг қай манзилсарн йўл олганлигидан барча бехабар эди.

Тўйни албатта номаълум муддатгача кейинга қолдиришибди.

Шаҳзода ўз қаллиғини жуда севар эди. У:

— Мен бу тошни албатта топаман! — деб дда бўйнига темир узукни осиб қироллик йўлларидан жўнаб кетибди. Шаҳзода ҳар бир ҳарсанг қаршисига бориб узукни унга қаратар ва ўмид тўла кўзларн билан олтинга айланмадимикан деб боқар экан.

Орадан кўп йиллар ўтибди. Малика қариб, дунёдан ўтибди. Одамлар унутаёзган шаҳзода эса шалвираб, кўр, кийимларн тўзиб, бошмоқларн йиртилиб, соқолларн бир-бирига чирмашиб кетибди. Аммо у ҳамон йўл юрар, беҳтиёр учраган ҳар бир тош олдига бориб, узукни тутиб кўрарди.

Бир кунн у бир қишлоққа келиб нон ва сув сўрабди. Одамлар унн қувиб солибдилар ва орқасидан:

— Уялмайсанми, бўйнингда олтин узук тақиб юриб тиланчилик қилганн! — деб қичқиришибди. Эртак шундай тугайди. Шаҳзодага ачинамиз. Бизга бу сабоқ бўлар: ўз бахтингни излаганингда албатта жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Ўз тошинн топа билмаслик ачинарли, аммо...

Топиб туриб эътибор бермай қолиш... ёмон. Бундай ҳолларда бўйнингдаги олтин узук — юпанг манбаи эмас, масхарадир.

А. КАРИМОВ таржимаси.

● Ҳайвонот оламида

Жўжапарвар хўроз

Австралиянинг эвкалиптзорларида қуркадай катта сара товуқлар яшайди. Жўжаларн-чи!

Хўроз (баъзан товуқ билан бирга) катта чуқур қазийди. Унн қуруқ япроқ билан тўлдириб, устига қум тортади. Япроқ чиригач, ундаги ҳарорат кўтарилади. Шундагина хўроз иннн очади. Товуқ тухум қўяди. Хўроз роз иннн яна яхшилаб кўмиб қўяди. Бу чинакам инкубатор бўлади-қўяди. Хўроз жўжалар очиб чиққунга қадар «инкубатор» ҳароратнни 35 даража иссиқ атрофида сақлаб туради. Бунда унинг тумшуғи ҳарорат ўлчагич вазифасини ўтайди. Тухумлар совуб ёки пишиб қолмаслиги учун қумдан бир оз олиб ташлайди ёки қалинлаштиради. Агар осмонда ёмғир булути кўринib қолгудек бўлса, ин устига қум тортиб, сув кирмайдиган «том» ясаб қўяди.


Ниҳоят, жўжалар очиб чиқади. Лекин қумни ёриб чиқиш учун икки соатдан ўн беш соатгача вақт кетади. Чарчаган жўжалар икки соатча сояда ётганларидан кейин тетикланиб, югуриб кетадилар.

ОЛМА ҚАНДАЙ НАФАС ОЛАДИ?

Баъзи бир касалланган олма дарахтларидаги ҳосилдор олдинроқ сарғаяди ёки қизара бошлайди. Нормал олма ҳосили ҳавога ҳушбўй анбар ҳид таратиб, нафас олиб туради. Буни венгриялик профессор В. Френко иҳтиро этган кўчма анализатор асбоби аниқ айтиб беради. Олим асбоби олма ҳосили қандай нафас олаётганини ўта аниқ белгилайди. Асбоб кўрсаткичига қараб олма ҳосили пишганми-йўқми, дарахт касалми ёки соғми тез аниқланади.

Дам олиш соатида

«Т» ҲАРФЛИ КРОССВОРД



БЎЙИГА: 1. Туркманистон ССРдаги область маркази. 2. Ойнинг тўрт фазаларидан бири. 3. Қўшма сўз бўлаги. 4. Организм тириклигида томир ёки юрак бўшлиғида ивиб қолган қон. 6. Тиканли ўсимликларнинг умумий номи. 10. Тожикистон ССР шарафига номланган элемент. 11. Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари афсонаси. 12. Жамиятдаги ривожланиш жараёни. 14. Мато.

ЭНИГА: 1. Пахта нави. 5. Кўрпа-тўшак йиғиладиган жой. 7. Судда яшовчи судралиб юрувчиларнинг бир тури. 8. Чимкент областидаги шаҳар. 9. Гавда, жусса. 13. Кўп йиллик бадбўй ўт. 15. Радиактив изотоп. 16. Актёр ўйинларининг усулидан бири. 17. Физиологияда турли нерв импульсларининг қотиб қолиши, тиришиши.

Тузувчи: **Фаёз ҒАФУРОВ.**

● *Бир шингил табассум*

ТАҚИНЧОҚЛАР

Бир қиз иккинчисига маъюсланиб деди:

— Биласанми, дугонажон, сен билан ўша куни уйингда учрашганимдан бери ўзимни озиб кетгандай ҳис қилаяпман...

— Наҳотки тақинчоқларингни бизникида қолдириб кетганинг ёдингдан кўтарилган бўлса?!

ТАШВИШ ҚИЛМАНГ

Бир футбол ишқибози ўйин вақтида бақиравериб, охири ёнидаги одамга:

— Бугун бор овозимдан ажралдим-ов, —деди.

— Ташвиш қилманг, оғайни, — деди у киноя билан,— ҳамма овозингиз менинг чап қулоғимда..

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, ншчи.

Александр ЧАКОВСКИЙ



—39—

У бир қўлини коляска тутқичига қўйиб, президент билан қўл олишиб кўришди.

— Жаноби президент, мана бу креслога ўтирсангиз Сизга қулай бўлармикан!

— Азизим маршал, сира-сира ташвиш тортманг. Агар малол келмаса, ана шу коляскада ўтнраверсам. Сўнгги йилларда унга жуда кўникиб кетдим. Коляска уйимдай бўлиб қолди.

— Ихтиёр ўзларида! — тез жавоб берди Сталин. — Унда ижозатингиз билан коляскани столга яқинроқ суриб қўйсак. Эҳтимолки, хариталарга назар ташлаш лозим бўлиб қолар, мен эса ёнингизда ўтираман.

У деворга тақаб қўйилган стуллардан бирини олиб, стол ёнига қўйди. Болен ва Рилли коляскани столга яқинлаштиришди.

Рузвельт жилмайиб туриб деди:

— Назаримда шундоқ-ки, мен

—40—

театр ложасида ўтиргандайман. Парда очилишини орзиқиб кутаяпман.

Майк Рилли пошналарини ҳарбийчасига жуфтлаб хонадан чиқиб кетди.

— Биз Черчиллнн кутаяпмизмм!— сўради президент.

— Нега энди! — Сталин елкасини қисди. — Узоқ Шарқ масаласининг ҳал этилишидан у, албатта манфаатдор, лекин бу манфаатдорлик фақат билвосита дир. Бу масала, аввало Совет ва Америка масаласидир. Бунинг устига, менга хабар беришларича, инглиз офицерлари экскурсияга кетишибди. Черчилль эса ухлаётган эмиш.

— Экскурсияга дейсизми!— қайрон бўлиб сўради Рузвельт. — Наҳотки, улар Қрим ёдгорликларини кўришга кетишган бўлса!

— Фақат битта қадамжони, яъни Балиаклавнн кўришга кетишибди,— деди истеҳзо билан

—41—

Сталин.

— Бу знёратгоҳнинг нима кароматн бор экан! Тарихий ёдгорлик бўлгани учунми! — назокат билан сўради Рузвельт.

— Аниқроғи, тарихдан сабоқ берадиган жой,— деди таъкид билан Сталин.— Ҳарқалай, тарихнинг ўгитлари бор. Бундан тўқсон, йўғ-е тўқсон бир йил муқаддам ўша ерда рус ва инглиз қўшинлари ўртасида жанг бўлган. Англия отлиқларининг учдан икки қисми нобуд бўлган... «Қрим, Қрим, ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги Қрим урушн! Нега бу менинг хотирамдан фаромуш бўлибди! — ўзини ўзи койнди Рузвельт.— Мен революциядан кейинги интервенция ҳақида кўп эслабман-у, Россия билан Англия ўртасидаги эски жанжалларни ўйламабман-да!»

— Кўп ғалат экскурсия!— деди президент. Одамзод руҳиятига терс экскурсия! Наҳотки, ўзинг шармандаю шармисор

—42—

бўлган ер знёратгоҳига айланса. Балки, улар тавба-тазаррук қилмоқ учун боришгандир.

— Мен Фрейд[1] таълимотн бўйнча мутахассис эмасман,— деди Сталин ва мавзуни кескин ўзгартириб юборди.— Шундай қилиб, қадрли жаноби президент, мен Сизни Узоқ Шарқдаги уруш хусусида суҳбатлашмоқ учун таклиф этдим. Теҳронда ваъда бериб айтган эдим-ки, биз Америкага Японияга қарши урушда кўмаклашамиз...

Рузвельт юраги қинидан чиқиб кетар даражада ураётганини сезди.

— Энди,— деб давом этди Сталин, — мен ўша ваъдам ваъда эканлигини яна бир бор таъкидламоқчиман.

«Ёзма тарздамн!»— деб юборишига сал қолди Рузвельтнинг.

[1]. Зигмунд Фрейд — Австриялик врач — психиатор ва психолог, психоанализ асосчиси.

—43—

У аранг ўзини тнйиб турарди.

— Жаноб президент, сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим,— Рузвельтга тик қараб сўради Сталин,— нега мен шу ваъданн бердим ва лафзнм бутун деб яна таъкидламоқдаман!

— Азизим маршал,— жавоб берди Рузвельт,— сиздан яширадиган сирим йўқ, бундан бир соат муқаддам Гопкинс билан шу ҳақда маслаҳатлашган эдим...

— Қирқ биринчи йилда Гопкинсининг мамлакатимизга биринчи бор келганини сира-сира унутмайман... — деди товушида илиқлик аломатлари сезилиб Сталин.

— Ҳа, у содиқ одам ва Россиянинг дўсти. Афсуски, оғир касал бўлиб қолди. Хуллас, мен Гопкинсдан Сталин менн нега чақираётганини сўрадим. Маршал лафзида турадими ёки ваъдасидан қайтмоқчими, дедим. Гопкинснинг жавобини айтаймн: Гарри

—44—

субут, лафзи-ҳалоллик русларга хос фазилат, дедн.

— Лафз-субут ҳарбий ибора ҳам, снёсий калима ҳам эмас, — жилмайди Сталин. — Лекин Гопкинс ҳақиқатдан узоқ эмас. Ҳа, биз субутли одамларміз. Биз ана шу негизда иттифоқчиларимиз билан муомала қилмоқдамиз. Лекин бошқа сабаб ҳам бор. Япония сиз билан бизнинг дўстлигимиз шаънига ёқилган гулханда ёниб кетаётган бегуноҳ фаришта эмас. Бу мамлакат неча-неча ўн йиллардан бери бизнинг хавфсизлигимизга хуруж қилиб турибди. Қурук хуружнинг ўзи эмас. Япония ўз кўнглида бизни бўш-баёв деб сезиши билан қиличини яланғочлаб келаверади.

— Ҳасан, Халхин-гол! — савол назари билан сўради Рузвельт.

— Жумладан бу ҳам, — тасдиқлади Сталин, — Лекин япон милитаристларининг бошқа ёвуз ниятларни ҳам бор. Буларни амалга

—45—

оширмоқ учун мана бу ерда, — Сталин тамакидан сарғайиб кетган бармоғи билан харитага ишора қилди, — Япония анчадан бери...

— Квантун армиясини йиғиб турибди, — жумланн илиб кетди Рузвельт.

— Ҳа, баракалла. Бу армия сизга эмас, балки бизга қаршн қаратилган.

— ...Шу боисдан ҳам иккинчи сабаб бор, — давом этди Сталин. — Биз Узоқ Шарқдаги мудофаамиз мустаҳкам бўлишини истаймиз.

— Шундай қилиб, Германия таслим бўлганидан кейин 2 ой ўтгач, Японняга қаршн уруш очиш ҳақидаги ваъдангизда устивор турибсиз! — сўради Рузвельт.

— Аниқроқ айтадиган бўлсак икки-уч ой кейин, — жавоб берди Сталин.

— Яқин орада дивизияларингизни Узоқ Шарққа жўнатасизми!

— Агар «такрорлаш — таълим-

—46—

нинг онаси» деган нақлга эътиқодингиз шу қадар баланд бўлса, такрор айтаманки, ҳа, яқин орада бошлаймиз.

— Сиз хизматингиз учун тўлов талаб қилмайсизми! — ҳадиксираб сўради Рузвельт.

— «Тўлов» сўзи менимча ўринсиз, — қошларини чимирди Сталин. — Биз Россия илгари нимагаки эга бўлган экан, ўшанн қайтариб олмоқчимиз.

— Сиз назарда тутаётган...

Ҳа, жанубий Сахалин ва Курнль оролларн... Демак, талаблар бор экан-да!

— Жаноби президент, — деди Сталин жаҳли чиққанини яшира олмай. — Бир дақиқа тасаввур этиб кўринг, Америка ўз тупроғида босқинчига қарши жанг қилиб, миллион-миллион одамларнн қурбон берган бўлсин... Галабадан кейин америкалмкларнн яккаю ягона мақсад билан, яъни Россияга ёрдам бермоқ учун янги урушга жўнатиш масаласи кўта-

—47—

рилиб қолдн деяйлик. Сиз нима қилган бўлар эдингиз!..

— Ўйлаб қолдингиз-а!! Мен Сизга очиқ-ойдин айтай бўлмаса. Биз тўрт йил давом этган қирғин барот урушдан кейин яна нега қўлга қурол олиш кераклигини совет халқига тушунтирнб бершимиз керак. Агар биз илгарн қўлдан кетган асл рус ерларнни қайтариб олмоқчимиз, десакнина халқ бизни тушунади. Бир вақтлар уйимизни босқинчи босган эдн. Эндн биз адолатни тикламоқчимиз. Эътиборингиз бормн!

Орага ноқулай жимлик тушдн. Сўнгра Рузвельт секингина деди:

— Сиз ҳақсиз, яна битта саволим бор: биз Ялтада ҳозир иккаламиз тилга олган масала хусусида ҳужжат имзолаймизми!

— Мен қўл қўймаи, — деди

(Охирн. Бошн газетанинг ўтган сонларида).

—48—

Сталин, — Сизчи!

— Шак-шубҳасиз. Гап Черчилда қолган...

— Тажриба шуни кўрсатмоқдакн, — деди салмоқлаб Сталин, ўзнча мушоҳада юритаётгандек,— агар Сиз билан мен яқдил бўлсак, Черчилль қаршилик бефойда эканини тушунадн...

— Охирги савол, маршал. Бу ҳужжатнинг лойиҳасини ким тайёрлайди!

— Биз Молотовдан илтимос қиламиз.

— Биз эса Гарриманга топширамиз, — бироз ўйлаб турнб деди Рузвельт.

Рус тилидан **Абдулла АБДУҚОДИРОВ** таржимаси.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
4 МАЙ, 1985 й.

ТАБИАТ ИНЪОМИ ЁВВОЙИ ЎСИМЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

Ўлкамизда баҳор. Қирадирларда ўзгача тароват. Табиат эҳсонн бўлган лолалар-у, чучмомалар қатор турли шифобахш кўкатлар ҳам кўкка бўй чўзяпти. Қишдан ҳориб чиққан организмимиз эса шифобахш витаминларга ташна. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар кўпинча кўкатлардан тайёрланган сомса, чучвара, кўкат шўрва кабн таомларга ўч бўлишадн. Чунки улар кишн организмнни тетиклаштирнб, куч-қувват бахш этадн.

Баҳорда ёввойи ўтларнндан фойдаланганга не етсин. Шифобахш кўкатларга серталаб кишилар Пермь медицина институтининг профессори Аркадий Константинович Кошеевнинг «Бизнинг овқатимизга ишлатиладиган ёввойи ўсимлик» деган китоби билан танишнб қўйсалар фойдадан холи бўлмасдн, албатта. Чунки олим ушбу китобнда 100 га яқнн ёввойи ўсимликларнинг номнни келтирадн ва улардан қандай фойдаланнш кераклигнни батафсил ёритиб берган.

Масалан, ёввойи ўтларнинг биринчиси — қичитқи ўт. Ундан қандай фойдаланиш мумкин? Ёш новдаларидан шўрва пишириш мумкин. Қичитқи ўтнинг ёш новдаларини қайнатиб, майдаланган тухум, туз, сирка қўшиб, салат тайёрлаш мумкин. Ундан ташқари, қичитқи ўтидан ширин ҳўл ва қуқун ҳолида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёввойи ўсимликларнинг овқат учун ишлатиладиган турларнинг билиб олгач, ўзингиз ҳам ҳар хил таомлар, ичимликлар, масаллиқлар тайёрлаб кўришингиз мумкин.

Ҳ. ХАБИБУЛЛАЕВ, табиатшунос.

ТОШКЕНТ МАТБУОТ КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛМОҚДА

• Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида байрам • Яхши анъаналарга—кенг йўл • Совет турмуш тарзи • Санъат усталари таклиф этади • Маҳорат кўриги

КИТОБЛАР ОЛАМИДА



С. ИУЛДОШЕВ,
Узбекистон китоб савдоси бирлашмаси бошқарувчиси

— Бизнинг мамлакатимизда ҳар минутда СССР халқларининг 89 ва хорижий халқларнинг 60 тилида уч миллион нусха атрофида китоб ва брошюра нашр этилмоқда. Бу рақамлар китобларга бўлган катта муҳаббатимиздан далолатдир. Байрамларда китоб савдосини ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Матбуот куни шарафига катта китоб бозорини ташкил қилдик. Унда «Ташкнига»нинг 15 та магазини қатнашмоқда.

Бу ерда марксизм-ленинизм классиклари асарлари, ўзбек адибларининг танланган асарлари учун обуна ҳам ташкил этилган. «Бугун Ленинни мутолаа қилиб», «СССРда Матбуот», «Қаҳрамонлик анъаналарига содиқлик» деган номлар билан кўргазмалар ташкил этилди. Республика китобсеварлар жамияти ўзи ташкил этган кўргазмада жамиятнинг китоб пропагандаси борасидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

МАРОҚЛИ БАЙРАМ

Бугун Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасига Матбуот, радио ва телевидение, ахборот агентликлари ходимлари, матбаачилар ва нашриётчилар тўпланишган. Бу ерда Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонлари бўйлаб қизиқарли учрашувлар, маросимлар ва таништувлар ўтказилмоқда.

● Ўзбекистон телеграф агентлиги Улуғ Ватан урушн йилларида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган фотосуратлар тайёрлаб намойиш этмоқда.

● Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети китоблар ва плакатлар кўргазмасини тайёрлаган.





Байрам қатнашчиларн санъат усталари ва ёш артистларнинг чиқишини қизғин кутиб олишди. Улар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқларн билан бу ерга йиғилганларни ҳушнуд этишди. Кўргазмага келганлар байрам муносабати билан уюштирилган тўкин-сочин дастурхон атрофида тўпланишди. Умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланган ширин-шакар таомлар бу ерга йиғилганларда кўтаринки кайфият уйғотди.

БАРЧА ЖАНРЛАР ҚЎЛ КЕЛЯПТИ



Г. ВЛАСОВА,
«Пионер Востока» газетасининг хатлар ва оммавий ишлар бўлимининг мудири.

— Биз «Ленин учқуни» газетасидаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда маданий тадбирлар режасини ишлаб чиққан эдик. Бугун эса томошабинларнинг катта давраси ана шу программа билан яқиндан танишмоқда. Ўйлайманки, бу программа ўз-ўзидан кўпчиликка манзур бўляпти. Барча зиёратчилар ва байрам қатнашчилари болалар ижоди кўргазмаси билан қизиқиб танишмоқда. Матбуот кунига бағишланган викторина асосан болалар учун мўлжалланган бўлса ҳам ундан катталар кўпроқ завқ олишмоқда. Бундан ташқари болаларнинг асфальтга чизаётган ранг-баранг расмлари ҳаммага манзур бўляпти. Бу ўзига хос маҳорат кўригидир.

* * *

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётн босмахонасининг ҳаваскор артистлари ҳам Матбуот кунига атаб кенг программада концерт тайёрлаб, намойиш этишмоқда. Бу концертдан болалар вокаль чолғу ансамбли, ўзбек болалар халқ чолғу ансамбли чиқишлари ўрин олган. Бахтиёр болалар дўстлик ҳақида, тинчлик ҳақида баралла куйлашмоқда. Бу концертлардан Тухманов, Дунаевский қўшиқлари вокаль чолғу ансамбли хонандаларн ижросида ўрин олган.

● *Сўз—байрам қатнашчиларига*

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ

Тўхтасин АҲМЕДОВ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

— Мен уруш йўлларида жуда кўп кунлар ва тунларни жанг билан ўтказдим. Маршал Жуков қўмондонлигидаги фронтда жанг олиб бордим. 4-Украина фронтининг махсус саперлар батальони составида курашдим. Каменецк - Подольскни озод қилишда қатнашганлигим учун Қизил Байроқ ордени, Одер дарёсини кечиб ўтганлигим учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирландим. Ҳозир Фарғона областининг Риштон районида яшайман.

Уруш тугаганига 40 йил бўлди, лекин ёзувчилар, шоирлар, журналистлар биз жангчилар ҳақида ёзишни ҳамон давом эттиришмоқда. Ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотираси ҳақида барҳаётларга эсдалик қилиб ёзишмоқда. Ҳаёт ана шундай қурилган. Одамлар аввал ўтмишни эслашади, кейин эса келажак ҳақида орзу қилишади. Мен халқимизнинг бундай ажойиб фазилати билан ҳамиша фахрланаман.

Номаълум солдат қабри олдига боргапингизда эътибор беринг. Бу ерда ҳамиша уруш ветеранларини, ёшларни, болаларни ва набираларни кўрасиз. Жасорат ҳақидаги хотиралар авлоддан-авлодга кўчиб бормоқда. Ер курраснда тинчлик ҳақи учун ҳар биримизга жуда ҳам зарур бўлган бу энг муқаддас машъалалардир.

КАСБИМИЗНИ ҒОЯТДА СЕВАМАН

В. КОМЛЕВ,
«Тракторостроитель» кўп нусхали газетасининг редактори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

— Янгича совет байрамларн ва урф-одатларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида диний ақидалар ва анъаналарга қарши курашда кескин тадбирлар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди. Чунки ҳозиргн пайтда партиямиз совет кишиларнин тарбиялашда социалистик янги анъаналарни шакллантирши, ривожлантирш ва улардан ўрнли фойдаланиш масаласига катта аҳамият бермоқда.

Ҳар бир корхонада, шу жумладан бизнинг СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводида ишчи сулолаларининг авлодини шарафлашга бағишланган қатор ибратли тадбирлар ўтказилмоқда. Биз қалам аҳллари газетамиз саҳифаларида ана шу воқеалар ҳақида атрофлича фахрланиб ёзатўтирмиз. Бу борада бизга ишчи-мухбирлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Комплекслашган бригада бошлиғи С. Давлетов, темирчи В. Толстов, А. Гушчин, В. Кузьменко, инженер техник ходимлардан М. Левит, А. Маньков ва бошқалар газетамизнинг доимий муаллифларидир.

Бизнинг касб байрамимиз — матбуот куни арафасида «Тракторостроитель» кўпнусхали газетаси оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номли Бутуниттифоқ конкурсида қатнашиб муносиб мукофот билан тақдирланди.

Касб байрамимизда бизнинг газеталар орқали айтилган фахрли сўзларимиз амалда ўзини исбот қилмоқда. Матбуот куни байрами ўтказиладиган дам олиш зонасига кираверишдаги пештоқдан тортиб, то байрам ўтказиладиган биноларгача афишалар, шиорлар, плакатлар билан безатилган.



СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Хизматингиздамиз



Ҳ. КАРИМОВ,
Киров район ошхоналар трестининг директори.

— Совет журналистларининг меҳнати ғоятда фахрли. Биз кундалик ҳаётимиздаги барча воқеаларни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари меҳнатчиларининг қандай ишлашаётганлигини, соҳамизнинг ишлаб чиқариш илғорлари тўғрисида кўпгина янгиликларни ва ишимиздаги айрим камчиликларни билиб оламиз.

Бугунги кун чинакам ўзига хос байрам. Киров районининг меҳнаткашлари барча тошкентликлар, мамлакатимиз кишилари каби Улуғ Ватан урушн йилларида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида ғайрат ва шижоат билан қатнашдилар. Умумий овқатланиш ходимлари шанбалик муносабати билан кўпгина жойларда ва саноат корхоналарининг олдида байрам савдосини ташкил қилди.

Киров районида жойлашган Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида биринчи марта касб байрами — Матбуот куни кенг нишонланиши ғоятда қувонарлидир. Матбуот вакиллари бу байрамни бошлаб беришлари жонздир. Бизнинг трестга қарашли корхоналарнинг қўли гул пазанда ва қандолатчилари тайёрлаган ранг-баранг таомлар ва ноз-неъматлар билан байрам қатнашчиларини мамнун этишга бел боғлаганмиз.

Ҳурматли меҳмонларимиз учун дам олиш зонасида ишлаб турадиган «Ором» ошхонасини ва «Болгария» ресторанини байрамга атаб жиҳозладик. «Мороженое» ва «Льдинка» кафеларида лаззатли музқаймоқ, коктейл, шарбатлар ва минерал сувлардан бахраманд бўлиш мумкин. Бундан ташқари байрам эгаларига хизмат кўрсатиш мақсадида Олой бозоридаги 1-ошхона, асбобсозлик заводидаги 5-ошхона ўзининг пазандалари ва асбобускуналари билан байрам ўтадиган жойга кўчирилди. Умуман олганда биз қарийб бир йўла минг кишини кутиб олишга тараддуд кўрдик. Байрамнинг барча қатнашчиси яйраб овқатланиши ва яхна ичимликлардан лаззатланиши мумкин. Анъанага кўра бизнинг энг яхши пазандаларимиз — меҳнат ветеранлари Г. Южакова, А. Ғуломов, Ш. Раҳимов, Р. Абдураҳимов, З. Логонова, А. Туртигина ва бошқа кўплаб ходимларимиз миллий таомлар — палов, шўрва, лағмон, кабоб тайёрлашган. Ассортиментда кондитер маҳсулотлари ҳам муҳайё этилди. Бир сўз билан айтганда дастурхонимизга марҳамат қилиб яйраб дам олингиз. Сиз ўзингизнинг касб байрамингизда онла аъзоларингиз ва дўстларингиз билан жамул-жам ҳордиқ чиқаришингиз учун барча тараддудни кўрдик. Байрамингиз завқли ва мароқли ўтсин!

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
6 МАЙ СОАТ 15.00 ДА
Пўлат МЎМИН асари. Надим НОРХЎЖАЕВ музикаси.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«ТУЯҚУШ БОЯҚИШ»

(II-пардали музикали эртак)
Саҳналаштирувчи режиссёр Н. САИДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.
Режиссёр — Н. РУСТАМОВ.
Рассом — С. БЕКМАТОВ.
Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Режиссёр ёрдамчиси — Р. МУҲИТДИНОВА.
РОЛЛАРДА: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. МИРЗАЕВА;
Солистлар: А. МАМАРАСУЛОВ, Д. САФАЕВА, С. РАҲИМЖОНОВ, Р. СОЛИХОВ, Н. РУСТАМОВ, Ж. ИУЛДОШЕВА, Р. МАДИЕВ, М. САЛИМОВ, З. МИРЗАБОЕВА, Т. БЕКНАЗАРОВ, А. САЛИМОВ, О. ҒОЗИЕВА, М. УМАРОВА, П. УМАРОВА, М. ИУЛДОШЕВА ва бошқалар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
6 майдан бошлаб
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА
«ИНСОНГА НИМА УЧУН ҚАНОТ КЕРАК»
ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ.



Сценарий муаллифи — А. КУДРЯВЦЕВ.
Режиссёр — В. ШАМШУРИН.
Ролларда: Л. ДУРОВ, Б. НОВИКОВ, М. ГЛУЗСКИЙ ва бошқалар.
Фильм қишлоқ киши, Улуғ Ватан урушининг ветерани Василий Лукич Ивановичга бағишланган бўлиб, бу инсон ғоятда меҳрибон ва жуда ҳам саховатли. Фильм унинг жанговар дўстлари билан бўлган охирги учрашуви ҳақида ҳикоя қилади.
«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/V да **Бўрон**, 5/Vда **Масхарабозлар**, 7/V да **Концерт**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/V да **Отелло**, 5/V да **Маршал Жуков**, 7/V да **Шошма, қуёш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/V да **Тоҳир ва Зуҳра**, 5/V да **Кумуш шаҳар маликаси** (18.00), 6/V да **Туяқуш бояқиш** (15.00), **Узилган торлар** (20.00).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Р. Акопян иштирокида катта цирк томошалари** (4/V да 16, 19.00; 5/V да 19.30 да).

кино

4 МАЙДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТУСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).
«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; Телефон 35-24-92).
«ҚИРҒОҚ» — **Қозоғистон** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).
«ИТАЛЬЯНЛАРНИНГ РОССИЯДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).
«МЕРОС» — **Мир** (тоқ соатларда).
«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
«СПОРТЛОТО-82» — **Чайка** (жуфт соатларда, 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-35).
«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«РЕЗИДЕНТНИНГ ТАҚДИРИ» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; Телефон 32-78-02).
5 МАЙДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТУСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).
«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; Телефон 35-24-92).
«ҚИРҒОҚ» — **Қозоғистон** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).
«ИТАЛЬЯНЛАРНИНГ РОССИЯДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).
«МЕРОС» — **Мир** (тоқ соатларда).
«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).
«СПОРТЛОТО-82» — **Чайка** (жуфт соатлардаа, 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).
«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).
«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).
«РЕЗИДЕНТНИНГ ТАҚДИРИ» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; Телефон 32-78-02).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси шахсий состави ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, истеъфодаги милиция генерал-майори, Улуғ Ватан уруши ветерани
Зуннун Имомович ИМОМОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Киров район соғлиқни сақлаш бўлими, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда 2-болалар стоматология поликлиникаси коллективи шу поликлиника бош врачи, район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғнч партия ташкилотининг секретари
Талъат ЮСУПОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Киров район соғлиқни сақлаш бўлими, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда 2-болалар стоматология поликлиникаси коллективи шу поликлиника бош врачи, район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғнч партия ташкилотининг секретари
Талъат ЮСУПОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТВ

якшанба

5 МАЙ
● МТ I
9.00 «Время».
9.50 «Буратино кўргазмаси».
10.20 «Спортлотоэнинг 18-тиражи.
10.30 «Украин халқ рақслари гулдастаси».
11.00 «Мактаб остонаси ортида». Телефильм.
11.50 В. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 9-концерт.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар.
16.20 «Рус тили».
16.55 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.55 МТ ва БР электр-чолғулари концерт ансамблининг чиқиши.
18.25 «Сиз яратган боғ».
18.55 Мультфильмлар: «Беқарор, Мякиш, бундай эмас», «Лось боласи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Матбуот куни».
20.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Маршал Жуков. Биографияси саҳифалари». Ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.15 БХР, ГДР, ЧССР артистлари иштирокида оқшом тароналари.
23.00 Гжель усталари ҳақида телефильм.
23.50 «Дунё воқеалари».
● МТ II
9.00 Эрталабки гумнастика.
9.15 «Гул солиб ишланган портрет». Телефильм.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Болтиқ бўйи иқтисодий райони.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Кинонинг ифодалаш воситалари. 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 География. 5-синф. Ер шарининг географик қобиғи.
12.05 Н. Асеев поэзияси.
13.10 Совет тасвирий санъати. «Жасорат солномаси».
14.10 А. П. Бородин музикасида пахлавонлар образи.
14.45 «Сатрларда инсон қалби...» Совет шоирларининг шеърлари асосида шеърий композиция.
15.40 «В. И. Ленин — журналист ва редактор».
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Ритмик гимнастика.
19.15 Ҳужжатли фильм.
19.25 Ўқитувчига музика сабоғи. 6-синф. 1-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Мангу ҳаракатда». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Витославлицадаги сайил» (СССР).
21.30 «Время».
22.15 «Оққўнгил». Бадиий фильм.
● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Бойчечак».
18.40 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги».
19.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Мангу олов». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун — Матбуот куни». «Партиявий, ҳақчил...»
20.30 «Ахборот».
20.50 Матбуот ходимлари учун концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Оқ олтин»дан эртаги ҳосил учун».
22.30 Матбуот кунига. «Оҳиста ишловчи портлагич». Бадиий фильм.
● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Экран — болаларга. «Пластилин олақарға».
18.15 «Журналистчасига ростгўйлик билан». Телефильм.
18.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Солдат ва қўшчи».
19.05 «Алатоо». Телевизион информацион программа.
19.15 Ўш кўрсатади.
19.45 «Бугун — Матбуот куни». Концерт.
20.15 «Алатоо». Телевизион информацион программа.
20.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Оқин Т. Уметалиев.

Собир Раҳимов районидаги 24-ўрта мактаб томонидан **Юлдашева Хабиба Каримовна** номига берилган 623933 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
4 МАЙ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12232. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.